

Жамоат ва бирлик - рахмат, ажралиш азобдир!

Саккизинчи сухбат:

Жамоат ва бирлик - рахмат, ажралиш азобдир!

وَلَئِنْ كُنْ مَنْتُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْخَيْرِ وَيَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَا عَنِ الْمُنْكَرِ وَأُولَئِنَّكُ هُمُ الْمُفْلِحُونَ * وَلَا تَكُونُوا كَالذِّينَ تَقْرَفُوا وَأَخْلَفُوا مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَهُمُ الْبَيِّنَاتُ وَأُولَئِنَّكُ لَهُمْ عَذَابٌ عَظِيمٌ

Сизларнинг ичларингизда бир жамоа бўлсинки, ундаги кишилар яхшиликка чакирадиган, ёмонликдан кайтарадиган бўлсинлар. Ана ўшалар, ўшалар нажот топувчилардир. Очик-ойдин хужжатлар келгандан кейин бўлинниб кетган, ихтилоф чикарган кимсалар каби бўлманглар. Уларга буюк азоб бор! (Оли Имрон сураси, 104, 105-оятлар).

* * *

Аллоҳ мўминлар орасида амри маъруф-нахий мункар фарзини адо этадиган, яхши ишларда бошқаларга ўрнак кўрсатадиган жамоа бўлишини буоради. Нажот йўли шу эканини баён килади.

Аллоҳ таоло ер юзига инсонларни тўгри йўлга бошлиш учун Ўзи танлаган энг яхши динни юборган экан, унинг кўрсатмаларини кандай килиб амалга ошириш воситасини хам Ўзи ўргатади. Бу восита уларнинг ораларида халкка насиҳат килиб турадиган, даъват ишларини олиб борадиган одамлар бўлишини такозо килади.

Ибн Касир ёзадилар: "Бу оятдан максад шуки, гарчи бу иш умматнинг хар бир аъзоси учун ўзининг холига яраша вожиб бўлса хам, уммат ичидан бир гурӯҳ шу ишни бажаришни ўз зиммасига олиши лозим. "Саҳихи Муслим"да келганки, Абу Хурайрадан ривоят килинади. У киши дедилар: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам айтдилар: "Сизлардан кайси бирингиз бир ёмон ишни кўрса, уни кўли билан кайтарсинг. Агар бунга кучи етмаса, тили билан кайтарсинг. Агар бунга хам кучи етмаса, калби билан кайтарсинг. Бундай одам заиф иймонли кишидир".

Имом Ахмад ...Хузайфа бин ал-Ямондан ривоят киладиларки, Набий соллаллоҳу алайхи васаллам айтдилар: "Жоним Унинг кўлида бўлган Зотга касамки, ё амри маъруф-нахий мункар киласизлар ёки Аллоҳ Ўзининг хузуридан сизларнинг устингизга бир азобни юборади. Кейин Унга дуо киласизлару дуоларингиз кабул бўлмайди". (Термизий, Ибн Можа). Бу умматни Аллоҳ таборака ва таоло ўтган умматлар каби бўлишдан кайтаради. У умматлар устларида хужжат коим бўла туриб хам бўлинниб кетганлар, ихтилоф чикарганлар, амри маъруф-нахий мункарни тарк килганлар".

Демак, мусулмон одам ўзининг имкони етганича насиҳат, амри маъруф-нахий мункар фарзини адо этмоги вожиб. У дуч келган одамни Исломга даъват кила олмаса хам, ўзининг фарзандлари ва якин кишиларини Аллоҳдан кўркишга, Унга итоат килишга, халол-покиза хаёт кечиришга тарғиб килиб бориши зарур. Бу хар бир кишининг зиммасидаги хос вазифа экани яхши маълум. Оятда эса

доимо амри маъруф-нахий мункар билан шугулланадиган жамоа хам мавжуд бўлиши лозимлиги хакида гап кетмокда.

"(Бандаларни) динларини коим килиш имкониятига эга бўлишларига эриштирадиган энг қучли восита уларнинг ораларидан шу ишга кифоя киладиган бир тоифанинг бу вазифани ўз зиммасига олиши оркали вужудга келади. Улар яхшиликка чакирадилар. У яхшилик дин, унинг асослари, шохобчалари, шаръий конун-коидаларидир. Улар "маъруф"га даъват киладилар. Бу шаръян ва аклан яхши деб танилган ишлардир. Ёмонликдан кайтарадилар". Ёмонлик хам шаръян, хам аклан ёмон деб танилган ишлардир. Ана ўша яхшиликка чакириб ёмонликдан кайтарувчилар максад килган барча нарсаларига эришувчилар ва барча паноҳ сўраладиган нарсадан нажот топувчилардир". (Саъдий).

Шундан сўнг муаллиф ушбу тоифани таништирадилар: "Бу тоифанинг ичига ахли илмлар, мударрислар, одамларга хоҳ хусусий равишда, хоҳ умумий суратда бўлсин, ваъз-насихат килишни ўз зиммаларига олганлар, одамларни намоз ўкишга, закот беришга, дин ахкомларини бажаришга ундан турадиган, ёмон ишлардан кайтарадиган муҳтасиблар кирадилар".

Бўлиниш, гурухбозлик килиш гунохдир. Жамоат Аллохнинг рахмати ёгилишига, бўлиниш Унинг азоби келишига сабаб бўлади.

Иbn Касир ўз тафсирларида мана бу хадисни келтирдилар:

عن معاویة بن أبي سفیان أَنَّهُ قَالَ لَا إِنْ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَامَ فِينَا فَقَالَ لَا إِنْ مِنْ فَبِكُمْ مِنْ أَهْلِ الْكِتَابِ افْتَرَقُوا عَلَى ثَنَتِينَ وَسَبْعِينَ مِلْيَةً وَإِنْ هَذِهِ الْمَلْةُ سَقَرَتْرَقَ عَلَى ثَلَاثَ وَسَبْعِينَ ثَنَتَانَ وَسَبْعَوْنَ فِي النَّارِ وَوَاحِدَةً فِي الْجَنَّةِ وَهِيَ الْجَمَاعَةُ زَادَ أَبْنَ يَحْيَى وَعُمَرٌ فِي حَدِيثِيهِمَا وَإِنَّهُ سَيَخْرُجُ مِنْ أَمْتَى أَقْوَامٍ تَجَارِيَ بِهِمْ تَلْكَ الْأَهْوَاءُ كَمَا يَتَجَارُ الْكَلْبُ لِصَاحِبِهِ لَا يَبْقَى مِنْهُ عَرْقٌ وَلَا مَفْصِلٌ إِلَّا دَخَلَهُ (صحيح أبي داود. حسن)

(Матн Албоний рахимахуллохнинг сайтларидан олинган. Албоний бу хадисни хасан деб таснифлаганлар).

"Муовия ибн Аби Суфён разияллоху анхудан ривоят килинади. У киши дедилар: "Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам бизнинг ичимиизда ўринларидан туриб бундай дедилар: "Сизлардан аввал ўтган ахли китоблар етмиш икки фирмага бўлиниб кетдилар. Мана бу уммат эса якинда етмиш уч фирмага бўлиниб кетади. Етмиш иккитаси дўзахда, биттаси жаннатда бўлади. У жамоатдир". Ибн Яхё ва Амр ўзлари ривоят килган хадисларида мана бу сўзларни хам зиёда килишди: "Менинг умматим ичидан якинда шундай кавмлар чикадики, уларнинг ичларига худди кутуриш касаллиги эгасининг баданига сизиб киргани каби ўша хаво-бидъатлар сизиб киради... Ундан инсонинг баданидан бу касал кирмаган бирор томир, бўгим колмайди". (Абу Довуд).

Бу хадисда мусулмонлар ичларида бидъатга, ўз хавосига берилган кимсалар пайдо бўлиши ва бидъат, хаво жуда хам ёмон касаллик каби инсонга ёпишиб олиши хакида айтилмокда. Фиркабозлик ва бўлиниш Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам даврларида бўлмаган, у кишидан сўнг пайдо бўлган бидъатдир. Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам замонларидағи мухит шундай эдик, сахобалар Куръону Суннатга тўлиқ амал килишга интилардилар. Хато ёки

гунох килган одамни кўрганда унга чиройли насиҳат килиш, ихтилофлар чикканда бир-бирларини кораламасдан биродарлик ва мусулмонлар бирлигини саклаган холда харакат килиш уларнинг одатлари эди. Расулуллоҳнинг асхобларга берган таълим ва тарбиялари Ислом илмини ўргатиш билан бирга тотувлик, иноклик, бир-бирига хурмат ва муҳаббатни сингдиришни хам ўз ичига олар эди.

عَنْ النَّعْمَانَ بْنِ شَبَّابٍ قَالَ قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى الْمُنْبَرِ مَنْ لَمْ يَشْكُرْ الْأَقْلَلَ لَمْ يَشْكُرْ الْكَثِيرَ وَمَنْ لَمْ يَشْكُرْ النَّاسَ لَمْ يَشْكُرْ اللَّهَ التَّحْدِيثُ بِنِعْمَةِ اللَّهِ شُكْرٌ وَتَرْكُهَا كُفْرٌ وَالْجَمَاعَةُ رَحْمَةٌ وَالْفَرْقَةُ عَذَابٌ . رواه أحمد. (محمد ناصر الدين الألباني سلسلة الصحيح، حسن)

Нұмон ибн Баширдан ривоят килинади. У киши дедилар: "Набий соллаллоху алайхи васаллам минбарда туриб айтдилар: "Кимки озга шукр килмаса, қўпга хам шукр килмайди. Кимки одамларга ташаккур айтмаса, Аллохга хам шукр килмайди. Аллохнинг неъмати хакида гапириш шукр килишдир. Неъматни назарга илмаслик нонкўрликдир. Жамоат раҳматдир. Бўлиниш азобдир". (Имом Ахмад ривоятлари). (Албоний, хасан).

Икки оят икки хил окибатга далолат килмоқда. Кайси бирига кадам қўйиш бандаларга хавола.

Аллох юкоридаги икки оятда бандаларни кутаётган икки нарсани кўрсатди: нажот ва азоб. Хар иккисининг сабаб ва воситаларини баён килди. Нажотга эришишнинг йўли - яхшилика чакириш, ёмонликдан кайтариш, бу йўлда бирлашиш, хак устида ака-ука ва дўст бўлиш. Азобга гирифтор бўлишнинг йўли эса бўлиниш, ихтилофлар келтириб чикариш, талашиб-тортишиш, жанжаллашиш ва бир-бирига душман бўлиб олишдир.

Саъдий раҳимахуллохнинг Оли Имрон сурасининг 105-оятига берган шархлари нихоятда мухим: "Кейин Аллох уларни дин ва уни коим килишни буюрувчи, бирлашишни талаб килувчи очик хужжатлар келгандан кейин хам бўлиниб кетган, ихтилоф чикарган, гурух-гурухларга ажралиб олганлар йўлига кириб кетишдан кайтарди. Ундан бўлинишлар нодонлик ва адашишдан содир бўлган эмас эди. Балки билиб туриб ва ёмон максадни кўзлаб, бир-бирларига зулм килиш окибатида пайдо бўлганди. Шунинг учун Аллоҳ . وَأُولَئِكَ لَهُمْ عَذَابٌ عَظِيمٌ - "Уларга буюк азоб бор!" - деди.

"Очик-ойдин хужжатлар келгандан кейин бўлиниб кетган, ихтилоф чикарган кимсалар каби бўлманглар. Уларга буюк азоб бор! (Оли Имрон сураси, 105-оят). Иймонли ва аклли мўмин учун бундан ортиқ очик-ойдин хужжат бўлмайди.

Бизга очик-ойдин хужжат - Куръон ва Суннат келган экан, шу икки вахй кўрсатган йўлдан боришимизни Аллоҳ насиб этсин. Ундан бизларни Ўзининг азобидан саклашини, раҳматига сабаб бўладиган ишларга муваффак килишини сўраймиз.